



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 27 март №64 (3339)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташkil этиш тўғрисида

Республикада бозор иқтисодиёти замонавий талаблари-
га жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёр-
лашни тақомиллаштириш, шунингдек, менежмент, марке-
тинг, туризм ва сервис хизмати кўрсатиш соҳасида кадрлар
салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Иқтисо-
диёт вазирлиги ҳамда Са-
марқанд вилояти ҳокимли-
гининг Самарқанд коопе-
ратив институтини Самарқанд
иқтисодиёт ва сервис инсти-
тутига айлантириш тўғриси-
даги таклифи қабул қилин-
син.

2. Қуйидагилар Самар-
қанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг асосий вазир-
ларига этиб белгилансин:
а) қуйидаги устувор йўна-
лишлар бўйича юқори ма-
лакали мутахассислар тай-
ёрлаш:
менежмент ва маркетинг
масалалари бўйича иқтисо-
лашган иқтисодиёт;
халқро туризм, туризм
менежменти, туризм бўй-
ича операторлик хизматлари
бизнеси;

хизмат кўрсатиш соҳаси
тармоқлари иқтисодиёти ва
уни ташkil этиш;
молия, банк ва сугурта
хизматлари соҳасини таш-
kil этиш ва бошқариш;
б) институт фаолиятининг
асосий устувор йўналиш-
лари бўйича амалий аҳамият-
га эга бўлган амалий илмий,
қидирув ишларини амалга
ошириш учун илмий-тадқи-
қот базасини шаклланти-
риш;

в) илмий ва педагог
кадрларни тайёрлаш, қайта
тайёрлаш ва уларнинг ма-
ласини ошириш.

3. Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институтининг
ташkil этилиши, шунинг-
дек, соҳалар бўйича иқ-
тисослашган кафедралар
рўйхати тасдиқлансин.

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти ректорига
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги билан келишган
ҳолда, зарурият бўлганда,
институтнинг ташkil эти-
лишига ҳамда кафедра-
лари рўйхатига тасдиқлан-
ган шартлар жадвали дои-
расида ва белгиланган таъ-
лим йўналишларига муво-
фиқ ўзгаришлар кирити-
тиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги ва Иқти-
содиёт вазирлиги бир ой
муддатда:
олий таълим йўналиш-
лари ва мутахассисликлари
классификаторининг "Хиз-
мат кўрсатиш соҳаси —
810000" бўлимини қайта
кўриб чиқсинлар ҳамда унга
белгиланган тартибда хиз-
мат кўрсатиш соҳаси тар-
моқлари иқтисодиёти ва
уни ташkil этиш бўйича за-
монавий кадрлар тайёрлаш
зарурлигини ҳисобга олган
ҳолда ўзгариштириш ва
қўшимчалар киритсинлар;

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институтининг бака-
лаврият таълим йўналиш-
лари ва магистратура мутахас-
сисликларини тасдиқласин-
лар;

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти устави
белгиланган тартибда тас-
диқласинлар.

5. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги:
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Ме-
хнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги,
Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент ша-
ҳар ҳокимликлари билан
биргаликда тегишли соҳа
мутахассисларига бўлган
ахтиёжни ҳисобга олган
ҳолда 2004/2005-ўқув йили
ва кейинги ўқув йиллари
учун Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институтига қабул
квоталари бўйича белгилан-
ган тартибда Вазирлар Маҳ-
камасига таклифлар кирит-
син;

2004/2005-ўқув йили
бошлангунча Самарқанд
иқтисодиёт ва сервис инсти-
тути билан биргаликда рес-
публика давлат таълим
стандартларига қатъий
риоя қилган ҳолда Самар-
қанд иқтисодиёт ва сервис
институтида тегишли таълим
йўналишлари ва мутахассис-
ликлари бўйича ўқув режа-
лари ва дастурларини иш-
лаб чиқсин ва тасдиқласин;

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институтида 2008/
2009 ўқув йилидан бошлаб
"Туризм" ва "Сервис" йўна-
лишлари мутахассислик-
лари бўйича магистрлар тай-
ёрлашни ташkil этиш, шу
давр мобайнида тегишли
моддий-техник базани ва
профессор-ўқитувчилар са-
лоҳиятини шакллантирсин;

2004/2005 ўқув йилидан
бошлаб "Озиқ-овқат тех-
нологияси" (5541100) таълим
йўналиши бўйича талабалар
қабул қилишни Бухоро
озик-овқат ва енгил санает
технологияси институтига
ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Олий ва
ўрта махсус таълим вазир-
лиги Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти ҳамда
Бухоро озик-овқат ва енгил
санает технологияси инсти-
тути учун 2004 йилга
тасдиқланган бюджет маб-
лағларига тегишли ўзгарти-
ришлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Олий аттестация
комиссияси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги,
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти билан
биргаликда мавжуд профес-
сор-ўқитувчилар, илмий
кадрлар салоҳияти ва ил-
мий-тадқиқот базасидан кели-
б чиққан ҳолда Самарқанд
иқтисодиёт ва сервис инсти-
тутида тегишли асосий соҳа
мутахассисларига доир дис-
сертациялар ҳимоя қилиш
бўйича иқтисослаштирилган
кенгаш очиб юзасидан так-
лифларни кўриб чиқсин ва
Вазирлар Маҳкамасига кирит-
син.

7. Олий иқтисодиёт
таълим муассасаларининг
иқтисослашган кафедралар
мудирларини аттестация-
дан ўтказиш комиссияси
(Р.Азимов) 2004 йил апрель
ойида Самарқанд иқтисоди-
ёт ва сервис институти раҳ-
бар ходимларини ва педа-
гог кадрларини аттестация-
дан ўтказсин.

8. "Истеъдод" жамгар-
маси Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти профес-
сор-ўқитувчиларини мақса-
дли тажриба орттириш орқа-
ли қайта тайёрлаш ва улар-
нинг малакасини ошириш-
ни назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг ба-
жарилишини назорат қилиш
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосар-
лари Р.Азимов ва
А.Азизхўжаев зиммасига
юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 март.

«Ташаббус — 2004»



Юсак ривожланган мамлакатлар таж-
рибаси шундан далолат берадики, кичик
бизнес ва хусусий тадбиркорлик қанчал-
лик тараққий этса, юртининг иқтисодиёти
шунчалик қудратли бўлади. Шу боис дав-
латимиз раҳбарияти ишбилармонлик
ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувват-
лаётир. Жумладан, қабул қилинаётган
қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорла-
ри ва бошқа меъёрий ҳужжатлар улар-
нинг эмин-эркин фаолият юритишлари-
га шарт-шароит яратмоқда. Муҳими, тадбир-
кор ва фермерларнинг ўзлари ҳам буни
тобора теран англаб етмоқдалар.

ТАДБИРКОРЛИК тараққиётининг кўзгуси

26 март куни Тошкент-
даги «Ўзқўрғазмасавдо»
марказида Ўзбекистон
Республикаси Президентини
совринлари учун аъна-
навий «Ташаббус-2004»
кўрик-танловнинг яку-
ловчи босқичи бўлиб
ўтди. Унда Қорақалпоғис-
тон Республикаси, вилоят-
лар ва Тошкент шаҳри-
да ўтказилган шундай
кўрик-танловнинг «Энг
яхши тадбиркор», «Энг
яхши фермер», «Энг яхши
хунарманд» йўналишлари
бўйича 41 нафар голиби
ўз салоҳияти, иқтидорини
намоиш этди.

Авалло, шунинг қайд
этиш кераки, мазкур тад-
бирнинг байрамона қай-
фиятда, қизқарлик ўти-
шида бир қатор кўмита,
уюшма, банк-молия муас-
сасалари, жамоат ташки-
лотлари, хусусан, Товар
ишлаб чиқарувчилар ва
тадбиркорлар палатасининг
соғай-ҳаракатлари тах-
синга лойиқ. Кўрик-
танлов иштирокчиларининг
қилувчи китобчалар, бук-
летлар, корхоналарда
ишлаб чиқарилган махсу-
лотларнинг намуналари,
видеолавҳалар нафақат
ҳайбат аъзолари ва куза-
тувчилар, балки юрдош-
ларимиз, меҳмонларда
ҳам илҳом таассурот уй-
отди.

Мана, ҳақамлар ҳайъа-

ти ишга киришди. Улар
тадбиркорлик фаолияти-
нинг қайси омиллари-
га эътибор қаратаётгани
билан қизиқдик. Маълум
бўлишича, иштирокчи-
ларни баҳолаш жараёни-
да корхонанинг йил даво-
мидаги молиявий-ҳўжа-
лик кўрсаткичлари, экс-
портбои ва импорт ўрни-
ни босувчи маҳсулотлар-
ни ишлаб чиқариш ҳажми,
замонавий техно-
логияларни ишлаб чиқар-
ишга татбиқ этиш, янги
иш ўринларини яратиш,
жамоатчилик ва хайрия
ишларида қанчалик фаол-
лиги биринчи навбатда
инобатга олинди, танлов
шартларига мувофиқ, иш-
тирокчилар тест синаво-
ларидан ҳам ўтказилди.

Кун бўйи давом этган
кўрик-танлов жараёнида
голибларни аниқлаш осон
бўлмади. Сабаби — ҳар
бир иштирокчи совринли
ўринга лойиқ эди, назар-
римизда. Мисол учун,
Анджон вилояти, Шаҳрихон
туманидаги Умрбек Тожи-
боев раҳбарлик қилаётган
«Насрулло ҳожи-22» ху-
сусий ишлаб чиқариш фир-
масининг фаолиятини
олайлик. Бу фирма 2003
йил якунидага кўра, 453
миллион сўмлик трикотаж
маҳсулотлари, 32,5 милли-
он сўмлик эркалар ва
аёллар кийим-кечаклари,
20 миллион сўмлик

цева голиб, деб топилди.
Уларга Президент соври-
ни — «Матиз» автомоби-
лининг қалитлари топши-
рилди.

Танловнинг асосий
йўналишларидан ташқари
«Энг яхши тадбиркор
аёл», «Менежмент бўйича
энг яхши ўқитувчи», «Энг
интизомли солиқ тўлов-
чи», «Энг ёш тадбиркор»,
«Тадбиркорлик фаолияти-
ни ёритган энг яхши те-
лежурналист ва журна-
лист» совринлари ҳам ўз
эгаларини топди.

Мамлакатимизда 2004
йил «Меҳр ва мурувват
йили» деб эълон қилини-
ши муносабати билан тан-
ловда «Энг кўп мурувват
кўрсатган тадбиркор»,
«Болалар спортини рив-
ожлантиришга энг кўп
хисса қўшган тадбиркор»
ҳамда «Хусусий, кичик
бизнес ва эркин тадбир-
корлик учун энг яхши
хўшқўй инвестиция му-
хитини таъминлаган вилоят»
номинациялари бўйича
ҳам голиблар аниқланиб,
уларга қимматбахо сов-
ғалар ҳадя этилди.

Сандиолни ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Нўғмонжон
МУҲАММАДЖОНОВ ва
Рашид ГАЛИЕВ олган
суратлар.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

24 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси раҳбари Э.Де Врайернинг матбуот анжумани бўлиб ўтди. ХВЖ миссияси раҳбари ХВЖ битимлари моддаларининг IV Моддасида кўзда тутилган маслаҳатлар доирасида 10 мартдан 24 мартга қадар Тошкентда бўлди.

IV Модда доирасидаги маслаҳатлар ХВЖга аъзо барча мамлакатлар билан мунтазам асосда ўтказиб келинади. ХВЖ миссияси раҳбари Э.Де Врайер матбуот анжуманида қайд этганидек, Халқаро валюта жамғармаси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ўртасида валюта бозорини эркинлаштириш соҳасида сўнги икки йилдаги фаол ҳамкорлик икки томонлама самарали мулоқотни ўрнатилган ёрдам берди ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга оширилган макроеко-
номик сўсий ва тузилмавий ислохотлар макроеко-
номик сўсий барқарорликнинг янада мустаҳкамланишини таъминлади: янги ички маҳсулот ўсиши мароми сақлаб қолинди, инфляция даражаси кескин пасайди, тўлов балансининг ижобий сальдоси ва мамлакат олтин-валюта захираси анча ортди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Респуб-
ликаси ҳукумати ва Марказий банки ХВЖ битимлари моддаларининг IV Моддаси бўйича қабул қилинган мажбуриятлари изчил бажармоқда ва миллий валютанинг жорий операциялар бўйича алмаштирилишини таъминламоқда. Бу экспорт ҳажмининг, жумладан, қўшимча қиймати юқори товарлар экспортининг кескин ўсишини таъмин-

Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў ва нуфузи тобора
ошиб бормоқда. Юртинининг бундай эътиборга
азов бўлишида спортнинг ҳам хиссаси беқийс.
Зотан, Президент Ислам Каримов айтганидек, мамла-
кати дунёга танилган спортнинг ўрни нихотда
қаттадир. Вакилларимизнинг спорт оламидаги энг
нуфузли мусобақа — Олимпиада уйинларида муваффа-
қиятли иштирок этаётгани Ватанимизни жаҳонга тани-
тишдек масъулиятли вазифани шараф билан ўзда-
ландириш далолат беради. Ўзбекистон Миллий олимпиа-
да қўмитаси (МОК) президенти Азиз НОСИРОВ билан Уза
мухбирининг сўхбати шу хусусда бўлди.

ОЛИМПИАДАДАН УМИДИМИЗ КАТТА



— Янги асрдаги илк ёғи
Олимпиада уйинлари мазкур
қадимий мусобақанинг асл
ватани — Грециянинг Афи-
на шаҳрида 13-29 август
кунлари ўтади. Бу уйинлар
мустақил Ўзбекистон спорт-
чилари учун учинчиси бў-
лади, — деди А.Носиров. —
Спортчиларимиз Олимпиа-
дадаги иштирокини илк бор
мустақил жамоа сифатида
1994 йили Норвегиянинг
Лиллехаммер шаҳрида XVII
киши уйинларида бошлаган.
Ушанда Лина Черязова
фристайлнинг чанги акроба-
тика тури бўйича мустақил
Ватанимиз учун бирин-
чи Олимпия олтин медал-
ни туҳфа этганини юрдош-
ларимиз фخر билан эслай-
ди. Бу ҳамюртларимизнинг
халқро майдонда ташлаган
биринчи зафарли одими
эди.

мен Багдасаров кумуш
ҳамда боксчи Карим Тула-
нов бронза медалларини
кулга киритди. Тўрт йилдан
сўнг Австралиянинг Сидней
шаҳрида бўлган Олимпиа-
дада эса боксчи Муҳам-
мадқодир Абдуллаев олтин
медалга сазовор бўлди ва
хаваскорлар боксда барча
уновларни қўлга киритди
— Осиев, жаҳон ва Олимпиа-
да чемпиониغا айланди.

«Чарм қўлоқ» усталари Рус-
там Саидов ва Сергей Ми-
хайловга бронза, эркин ку-
раш устаси Артур Таймазов-
га кумуш медал nasib қил-
ди.

Илгари, 1952 йилдан
1992 йилгача Олимпиада
уйинларида атиги эллика
яқин ўзбекистонлик спорт-
чи қатнашган бўлса, истиқ-
лол йилларида бундай ну-
фузли мусобақадан юртимиз
шарафини ҳимоя қилганлар
сони 165 нафарга етди.

Буларнинг барчаси мам-
лакатимизда Юртбошимиз
раҳнамолигида спорт ва
Олимпия ҳаракатини янада
ривожлантириш, спортчи-
лардан хали медалсиз қай-
гани йўқ. 1996 йили АКШ-
нинг Атланта шаҳрида ўтган
Олимпиадада ҳамюртлари-
миздан дзюдо бўйича Ар-

(Давоми 2-бетда).

ОЛИМПИАДАДАН УМИДИМИЗ КАТТА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёшларни топиб, тарбиялаш каби масалаларнинг амалда тўғри йўлга қўйилгани самарасидир.

— Бу йил спортчиларимиз Олимпиянинг нечта лицензиясини қўлга киритиши мумкин, деб ўйлайсиз ва қайси спорт турлари вакилларидан Олимпияда медалларини кутса бўлади?

— Олимпияда ўйинларида жаҳоннинг 15 мингга яқин сараланган энг кучли спортчиси 39 спорт тури бўйича иштирок этади. Ўзбекистонлик спортчилар ўн олтинча спорт тури бўйича етмишга яқин Олимпия лицензиясини қўлга киритиши кутилмоқда. Хозиргача вакилларимиз ўн иккита спорт тури бўйича ўттиз тўққизта йўлланмага эга бўлди. Олимпия лицензиясини берадиган турнирлар август ойига қадар давом этади. Шундан келиб чиқиб, олимпиячиларимизнинг сони янада ошиши аниқ.

Боксчилар, эркин ва юн-рум курашчилари ҳамда джудочиларимиздан Олимпия медалларини кўпроқ кутяпти. Чунки бу спорт турлари бўйича ҳамюртларимиз жаҳон ва китба чемпиналари, нуфузли халқаро турнирларда доимо муваффақиятли катнашиб келган. Шунинг-

дек, байдарка ва каноэда эшак эшиш, велоспорт, спорт гимнастикаси бўйича қатнашадиган спортчиларимиздан ҳам умидимиз катта.

— Азиз Носирович, яқинда Олимпияда ўйинлари мезбони — Афина шаҳрида бўлиб қайтингиз. Сафардан қўзда тутилган мақсад нима эди?

— Афинада Миллий олимпия кўмиталари ассоциациясининг ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган Бош ассамблеяси бўлди. Икки юздан зиёд мамлакатдан келган делегациялар иштирок этган бу анжуманда Миллий олимпия кўмиталарининг Халқаро олимпия кўмитаси (ХОК) билан муносабатлари, уларни янада ривожлантириш режалари ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Бош ассамблеяда Ўзбекистонда спорт ва Олимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилди.

Грецияда Ўзбекистон делегациясининг ХОК президенти Жак Рогге билан расмий учрашуви бўлди. Ташкилот президенти 1995 йилда Юртбошимиз Исом Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, минтақада Олимпия ҳаракатининг янада ривожланишига туртки бўлган VI Марказий Осиё

ўйинлари мусобақасига ташриф буюришни билдирди. "Кичик Олимпияда" деб таърифланган бу мусобақа келаси йили мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Бош ассамблеяда Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Швейцария каби давлатлар вакиллари билан бўлган учрашуларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида келишиб олдик. Яқинда Япония Миллий олимпия кўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланади. Унда ҳар иккала мамлакатда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, биргаликда ўқув-масгулот йиғинларини ташкил қилиш, спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувларини ўтказишни йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этиш қўзда тутилган.

Сафар чоғида мусобақалар ўтказиладиган спорт мажмуалари, стадионлар, янги қурилган иншоотлар, спортчиларимиз Олимпияда кунлари яшайдиган шарт-шароитлар билан ҳам танишдик. Грецияликлар бу спорт анжуманига жуда жиддий таъйиғорлик қўраётганининг гувоҳи бўлдик.

ЎЗА МУХБИРИ ЗОХИР ТОШҲУҲБАЕВ СУХБАТЛОШДИ.

Хатларни саралаб...

Киши табиати қизиқ-да. Иши юриш-маса, ҳақ-ҳуқуқи поймол этилаётганини сезса, адолатсизликка дуч келса, сиқилса, дардини оқ қозғига тўқади. Бирор нарсадан қувонса, дилда фахр, гурур туйғуси тўйса, бу ҳолатини ҳам ўзгалар билан баҳам кўргиси келаверади. Яна ёзишга тутинади.

Ҳаммадан бааланддир она мансаби.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

О нани яратмагин экан-да. Па-палаб, ҳай-хуваля, гард юқтирмай, хасталанишига ҳам қалқон бўлгунчи Она болани учун жону жаҳонини фидо қилади. Йилоҳо, бу дунёда ҳаётимиз чирғи, умримиз гули саналимиш Она озор чекмасин-да.

Хотин-қизлар айёми ара-фасида тахририятга кириб келган аёл — Жиззах тумани, «Қаҳрамон» кўчаси, 102-уйда яшовчи Ҳикоят ая Рустамовани дарҳол танидим. Утган йили ая бизга мурожаат этиб, ҳуқуқ органлари ходимлари бозордан қайта-қайта ўғлининг моллари ва автомашинасини тортиб олиб, ўзини эса ўн уч кун қамаб қўйишганидан шикоят қилиб келганди. Она эмасми, аввалги кўзига фарзандининг жонидан бошқа ҳеч нарса кўрнмаган. Кейинроқ эса машина можароси бошланган. Мухими, газета аралашувидан кейин «Не-сия» конуний эгасига қайтарилган. Ҳикоят ая тахририятга ўз миннатдорчилигини билдирдиш учун атайин Жиззахдан келганга хикоят бўлса-да, бир онанинг кунгли хотиржам, бағри бутун бўлганидан қувондик.

Адолатдин бўди эл осойиши,
Эл осойиши — мулк оройиши.
Мунис ХОРАЗМИЙ.

"Мен бир муштгапар она сифатида сиз, газета ходимларига илтижо билан мурожаат қиламан, — деб ёздаи Бухоро шаҳар, «Чорбахосса» кўчаси, 213-уйда яшовчи Назира Яшиева. — Ҳаётда бошига бахт куши қўнганлар кўп. Мен болаларимнинг отасини кутиб, қачондир ҳақ қарор топишига ишониб яшайман. Турмуш ўртоғим С.Атовев Бухоро вилояти суди томонидан қамалди. Республика Олий суди мазкур ишни назорат тартибда кўриб чиқиб, Бухоро вилояти апелляция судининг ҳукмининг ўз кучида қолдирди. Утган йили турмуш ўртоғимнинг ака-укалари, дўстлари Тошкентга бориши. Республика Бош

прокуратураси, Олий суддаги мутасаддиларга учрашишди. Шикоятларимиз эримни қамоққа олишга санкция берган вилоят прокуратураси қўлига келиб тушибди. Бу ердан эса яна "Эрингиз ҳақи қамалган" деган жавоб хати олдик. Қани мантиқ, қани адолат?" Юртбошимизнинг қайта-қайта таъкидлаган ибораси билан айтганда, одамлар ҳар қандай мушкулотларга, қийинчиликларга бардош бериши мумкин, бирок адолатсизликка чидай олмайдилар. Очигини айтганда, бундай мазмундаги шикоят хати тахририятимизга ҳам юборилган. Ўзбекистон Республикаси Олий судидан "Суд Атовевнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган, унга қилимига яраша жазо тайинланган", деган расмий жавоб ҳам келган. Ҳуқуқий давлатда сўнги сўзи суд айтиди. Бу ўринда мавжуд ҳужжатлар ҳам Атовевни оқламайди. Лекин Н.Яшиевани мактубидаги "...бизнинг шикоятларимиз эримни қамоққа олишга санкция берган вилоят прокуратураси қўлига келиб тушган..." деган сатрларни ўқиб, ўйланмади қолдик. Халқимизда "Пичоқ ўз сопини қесмайди" деган нақл бор. Кимдир сизнинг устингиздан арз қилса-ю, сизга чора кўриши... ўзингизга топириши, қандай бўларди? Н.Яшиеванинг "Қани мантиқ, қани адолат?" деган саволига кимдир асосли, малакали жавоб бериши керак-ку?!

Тахририятимизга келаятган шикоят хатларининг кўпчилигида юртдошларимиз ҳуқуқни ҳимоя қилувчи айрим ходимлар, ташкилотларнинг кишилар ҳаётига бепарволикларидан, бепарва муомалаларидан, ўшларига масъулиятсизлик билан қарашларидан норози эканликлари баён этилади. Қорақалпоғистон Республикасида шикоят хати билан келган Қ.Мамбеталиев ва Ф.Ембергеновнинг ўзлари асли ҳуқуқшунос. Орган ходимлари. Улар асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилгани ҳақида гапиришди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан мазкур иш бўйича келган расмий жавобдаги "Жиноят иши...қўшимча тергов ҳаракатларини ўтқа-

зиш учун Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига юборилган" деган бир жумла зора шикоятчилар учун қўл келса, деб ўйланган эдик. Бироқ Қ.Мамбеталиев кўнроқ қилиб, иш ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан қўйиниб гапирди. Буни қандай тушунмоқ керак? Наҳотки, ҳуқуқ органлари ходимларига нисбатан бундай муносабат қилинса, унда оддий фуқаро додини кимга айтиди?

Кейинги пайтда бизни ташвишга солаётган, ўйлантираётган бир туркум хатлар ва расмий жавоблар пайдо бўляптики, уларга йўнда қилиб "аризалардан кейинги аризалар" деб ном бериш тўғри бўлар.

Кимдаки бўлмаса замона гами,
Ё оламдан эмас,
Ё эмас одам.
Пахлавон МАҲМУД.

Тахририятимизга ўтган йилнинг охирида Андижон вилояти, Пахтабод тумани, Эскиқўрғон кишлоғи аёллари номидан шикоят хати келган эди. Унда асосан мазкур кишлоқни газ билан таъминлашга мутасадди ташкилотларга эътибор берилмаган, бу эса ўз навбатида турли муаммоларни келтириб чиқараётгани баён этилган. Шикоят хати асосида газетамизда "Имкон бор-у..." сарлавҳали танқидий мақола берилгач, уни текширишга Андижон вилояти ҳокимлигига юбордик. Вилоят ҳокими ўринбосари Э.Воҳидов ҳамда Пахтабод тумани ҳокими Ш.Сатторов имзоси билан келган расмий жавобни ҳам эълон қилдик. Би-

роқ яқинда яна ўша кишлоқ ахлидан мактуб келди. Унда айтилишича, газлаштириш масаласи бўйича хануз амалий ишга ўтилмаган. Хатга имзо чекувчилар "Умидимиз сизлардан" дея ният қилишган.

Худди шундай тақдирли яна бир хат Хоразм вилояти, Хонқа тумани, "Хоразм" ширкат ҳўжалигининг бир гуруҳ фуқаролари номидан шу ҳудуд кўчалари асфальтланмагани, тоза ичимлик суви муаммо экани ҳақида эди. Хат асосида танқидий мақола эълон қилинди. У текширишга юборилди. Расмий жавоб келди. Аммо... мутасадди раҳбарлар одамлар оғирини енгил қилиш, аҳоли шариитини яхшилаш, танқиддан тўғри хулоса чиқариш, муаммоларни ҳал қилиш ўрнига шикоят хатини газетига ким ёзгани билан кўпроқ қизиқишибди. Аҳвол эса хануз ўша-ўша эмиш. "Юртбошимиз халқ соғлигини ўйлаб, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор берсалар-да, биздаги раҳбарлар бундай ишларга панжа орасидан қарашса, буни қандай тушунмоқ керак? Қолаверса, Президентимиз "Раҳбар халқнинг табиатини, фёъл-атвори ва орзу-умидларини юракдан ҳис эта олади-ган, шу эзу интилишларни рўёбга чиқаришга астойдил бел болаган одам бўлиши керак" деб бежиз айтмаганлар-ку?"—дея ёзишдаи хонқалиқлар.

Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йўғилишида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масаласи муҳим экани таъкидланди. Бироқ жойларда аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини тахририятимизга келаятган хатлар исботлайпти. Чунончи, Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Субҳон Одилов номли ширкат ҳўжалиги аъзоси Р.Полвонов ва бошқалар ҳўжаликни фермерлар уюшмасига айлантириб, одамларга қонуний ер бириктириб берилишини сўрашган. Чунки айрим мутасаддиларга мурожаат қилишнинг нафи бўлмаётгани, шу боис улар газетга ёзишга мажбур бўлишгани айтилган мактубда. Ахир ишлайман, меҳнат қиламан, эл-элатимни бойитаман, деган яхши ниятли кишиларнинг йўғига тўғанок бўлиш ташаббусини бўғиш эмасми?

Яна бир мактуб. Бу-нис Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, "Меҳнатобод" ширкат ҳўжалигида яшовчи Х.Отақулловдан. Шикоятчи оила аъзолари билан олти гектар ер майдонида деҳқончилик қилган. Шартнома шартларини ошириб бажарган. Бироқ бу ерга бошқалар эга чиқиб, шу ҳўжаликка танииб оила тебратаятганлар ишсиз қолишган. Аслида эса ҳақиқий, ишчан ва тадбиркор фермер бошқалар ерига илҳақ бўлмай, фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштириши, ундан мўл ҳосил олишга, аввало, ўзини, кейин атрофдагиларни бойитишга интилиши керак эмасми? Ахир фермерлик ҳаракатини авж олдиришнинг асл мағзи ҳам шу-ку...



Тахрирчи ЗОХИР ТОШҲУҲБАЕВ ошган сурат.


Кишлоқ ҳўжалиги зараркундаларига қарши курашда биологаторияларнинг алоҳида ўрни бор. Уларда тайёрланаётган турли хил фойдали ҳашаротлар касалиқларнинг олдини олади, натижада ҳосилнинг асосий қисми сақлаб қолинади. Бу муҳим ишга Наманган туманида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Биологаториялар сони кўпайтирилляпти. Хозирдан гўза парваришида зарур бўладиган фойдали ҳашаротлар тайёрлаб қўйилмоқда.

СУРАТДА: туман биологаторияси лаборанти Зайнабхон Қорабоева.

Шартнома имзоланди

— Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали Россиянинг Новосибирск вилояти билан узок мuddатли шартнома имзоллади, — дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири М. Ақромов.

— Шартномага кўра, марказнинг 25 нафар шифокори тиббиётнинг бир неча соҳалари бўйича Новосибирск шаҳрининг етакчи тиббий марказларида малака оширадилар. Шунингдек, "Де-структив панкреатитни даволашда юқори технологияга асосланган янги даволаш усуллари ишлаб чиқиш" мавзуси бўйича давлат грантининг қўлга киритган илмий марказ икки йил давомда мазкур мавзуда илмий изланишлар олиб бориш имкониятига ҳам эга бўлдилар.



Ахлоқий ва руҳий ҳодисаларнинг кўпчилиги ҳали етарлича ўз таърифини олган эмас. Олганлари эса, менинг назаримда, жуда жуда ҳам чалага ўқшайди. Масалан, тотинчоқлик, уятчанлик, уятчанликка ўқшаш ҳодисалар руҳий ҳолатини ёки ахлоқ нормаларига кирядими? Бундай ҳолатга асосланган ҳодиса ахлоқнинг чиройлигина, бежиримгина, ноэтиқгина бўлиши, десам баъзилар ҳаффа бўлиб: «Нима, сен бетгачарликни тарғиб қилмоқчимсан?» дейишлари мумкин. Мен бетга айтганининг захри йўқ, демокчи бўламан. Турган гап, менинг фикримга қўйилишмайди. Қўйилмай тўғри ҳам қилишадиган. Негаки, мустақиллик замонида ҳар ким жаҳон стандартларига мос келишадиган ўз фикрига эга бўлиши керак. Бу ҳақда газетамда кўп ёзишган. Худо хоҳласа, яна тўхтамай ёзишадим.

Фельетон

Уятчанлик нима ўзи: Фазилатми, Қусурми, Кўрқоқликми, Манфаат ҳимояси, Ҳаққатдан қочиниши — бу нима ўзи? Фикрлар, мулоҳазалар кўп. Олимлар айтганидек, сўз кам-у, фикрлар кўпроқ бўлавергани яхши. Бу ҳақда Америка ва Япон мутахассислари ҳам тез-тез фойдали маслаҳатлар бериб туришибди. Эшвой деган бир танишмисан бор. Ажойиб йигит, оилапарвар, байрамларда хотинга даста-даста гуллар совға қилади. Кеңқурунлари ўғилчасини елкасига миндириб «от-от» ўйнашди. Маҳалладарилар уни мусицадек беозор деб ҳам таърифлашадилар. Мана шу мусицадек беозор йигит — фабрикада бўлим мудири, кичкина лавозим эмас, шундай эмасми? Лекин фабриканинг аҳоли кун сайин ёмонлашиб бораёпти: Моллар сотилмаяпти, Маошлар пасайиб кетаяпти. Ишчилар кетиб қоляпти. Банкрот деган кўз илғавида бир офат босиб келаяпти. Аждарҳодек оғзини катта очиб қоляпти. Сабабини, бировага айтман-ку, Эшвой яхши билади. Бош директор, бош муҳандис, бош бичикчи, бош хисобчи — хуллас, анча-мунча «бош-лар» сабабчи бўляпти. Учинчи хам товарни олий нав деб тикишаяпти, қостомнинг энгидан, қостомнинг бундан, қўйиланинг энгидан, меҳмоннинг илгидан, лозимнинг чўзмасидан уриб қолишаяпти. Товарлар сотилмаяпти, омондор тўлиб кетаяпти... «Бас, — деди бир кун

омаладаги юмшоқлик, ҳалолу покликларини айтмай-сизми! Хатто оилапарварликлари ҳам жуда-жуда ҳам ўқшаб кетди. Масалан, биринчи Эшвой бўш вақтида ўғилчасини елкасига миндириб, «от-от» ўйнатиб, маҳаллий спортни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган бўлса, иккинчи Эшвой пластмассалардан ҳар хил шакллар ясаб, суюкли ўғилга хуштак чалишни ўргата-

ди. Худо хоҳласа, мана, кўрасиз, биринчисининг ўғли одамларнинг елкасига миниб қоладиган зўр чавандоз бўлса, иккинчисининг ўғли машур хуштакбоз бўлиб етишиши ҳеч гап эмас. Тақдирни қарангки, бу Эшвой ҳам қорхонда бўлим мудири лавозимига кўтарилган. Худо хоҳласа, яна ҳам кўтарилши мумкин. Аммо иш чатоклашиб кетаяпти, автобуслар ўз-ўзидан йўқ бўлиб қоляпти, «эҳтиёт қилсалар хомталаш бўляпти», хисобчона қалбаки қозғаларга тўлиб бораёпти. Э. Худойим, банкрот қилинади келаятганга ўқшайди.

Эшвой билади, ҳаммасини билади. Ҳаммасини зимдан ҳисобга олиб юрибди. Бош айбдор раҳбарнинг ўзи. Яққа ҳоким бўлиб олган. Бировдан фирм эшитмайдилар. Қўл кўтарганининг қўли, сузлаганининг тили кесилди. Ниҳоят, ҳайдовчилар Эшвойни вақил қилишди. Бор ҳақиқатни айтсан, дейишди. Эшвой айтаман, деди. Айтадиганини у қозғ қилиб ёзиб олди, уч кун

ёниб турганга ўқшайди. Шундай инсонга бетгачарлик қилиш... Хай ҳай, бу Эшвойнинг ҳам оёқларидан қалтироқ турди. Пешонасида олдинги Эшвойникига ўқшаш, сал йирикроқ тер томчилари кўринди. — Ҳа, Эшвой, тинчликми, рангингиз оқриб кетаяпти? — назариде жуда юмшоқ оҳангда сўрагандай бўлди директор. — Е яна авария юз бердимми? — Йўқ, мен... Мен... — Нима, мен-мен? — Мен... Халиги... Туш-ликка «Жар» ресторанига борсамкиман, дедим. — Қўлингиздаги нима? — Бу... Қозғоз. — Қанақа қозғоз? — Бу ҳалиги ресторандаги таомларнинг рўйхати. — Таомларни лаззатлими-кан? — Жуда лаззатли, қийиб қўйишди. Эшвой жаноб раҳбарининг хотинисидан қандай чиқиб кетганини билмайдилар. Ресторанга бирга боришга рўхсат бердимми, йўқми, буням эслай олмайдилар. Айтадиган гапни айта олмаганига шунча тарбия бергани учун негадир тарбиячиларини газаблай бошлади.

Бир неча кун дарғазаб бўлиб юрди. Дарғазаблғи автокорхона бутунлай тугаб, темир дарвоза ёпилганга қадар ҳам босилмади. Айтадиган гапни бутунлай айтмади, дейиш нотўғри бўлар эди. Айди, кўчада ёлғиз қолганда бир-икки бор қаттиқ-қаттиқ гапирди. Сал ичи бўшагандай бўлди.

Худойберди ТҲУХТАБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мехрибон хотинига ҳам, бировага айтмаслик шарт билан икки-уч бор айтиди. Айтмаса, ичи ёниб кетаятгандай бўлаверди.

Уятчан Эшвойлар билан яқиндан танишмоқчилигини эшитиб, республика Уятчанлар уюшмасида тақдирот олиб борадиган бир олим (бу истеъодли олимимиз чет элдан келган катта олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган экан) тугатилмаётган, тарқатилмаётган, сотилаётган, байрон бўлай-бўлай деб турган қорхоналар, ширкату жомаорадаги уятчан Эшвойларнинг умумий рўйхатини олиб юрган экан. — Булма-чи, — дейди ҳамкорликда ишлаганга ис-теъодли олим, — ногиронлар уюшмаси бор, бошида сочи йўқлар уюшмаси бор, хотин қўйилган, эрдан чиққанлар уюшмаси бўлганда биз нега ўз уюшмасини тўзмас эканми? Келсангиз, идорамиз шундоқгина қарлар уюшмасининг ёнгинасида... Хозирча мана булар билан ҳам танишишимиз мумкин. — Бу қалин қозғаларга нима ёзгансиз? — деб сўрайман яна. — Бу ерда уятчан Эшвойларнинг эши, касби, жинси қайд қилинган.




Умиде ФАЙЗИБЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Тахририятга келадиган ҳар бир мактуб, таъбир жоиз бўлса, бир инсон тақдиридан, унинг ҳаёти, турмуши, муаммоларидан сўзлайди. Ниятимиз эса бизга келадиган мактублар миннатдорчилик хатлари, юртдошларимизнинг бунёдкорлик ишларидан хуш хабарлар бўлса, деймиз.

Умиде ФАЙЗИБЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Бугун пойтахтдаги Миллий академик драма театрида Маданият ишлари вазирлиги ва "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан ўтказиладиган замонавий мавзуларда саҳналаштирилган спектаклларнинг 1-республика кўрик-фестивали иш бошлади. Шу муносабат билан бирлашма бош директори Омонулла РИЗАЕВга бир неча саволлар билан мувожаат қилдик.



спектакллар саҳналаштиришга қарор қилдик. Унга мувофиқ, аввало, драматик асар бадий кенгашида муҳокамадан ўтказилди. Муваффақият қозонган асар маълум бир театрга ҳавола қилинди. Режиссёр, расом ва бошқа ижодкорлар танланди. Саҳналаштириш жараёнида бадий кенгаш билан театрлар ўртасидаги ижодий алоқа йил буйи давом эттирилди. Спектаклга сарфланган маблағнинг ҳаммаси бирлашмаимиз томонидан тўлиқ тўйинланди. Ана шу лойиҳамизга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар театрларида 15 та спектакль саҳналаштирилди.

Фестиваль — янги лойиҳалар намойиши

— Омонулла ака, аввало, мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад нима?

— Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан театр санъатимизни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу борада бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг амалий натижаси сифатида театрларимизнинг киёфаси бугунги кунга келиб тубдан ўзгарди: таъ-

мирланиб, керак бўлса, қайта қурилиб юртимиз кўркам-кўрк қўшадиған қошоналарга айлантилди. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳам давлатимизнинг диққат марказида. Энди бундай қошоналарга мос ва хос ишлар қилишимиз керак. Аниқроғи, улкан эътиборга ўзимизнинг катта ва янгича ижодий ишларимиз — санъаткорона яратган асарларимиз билан муносиб жавоб беришимиз керак. Бунинг учун бир қатор анжуманлар, тадбирлар уюштирилмоқда. Жумладан, Наманган шаҳрида "XXI аср — Ўзбек театри": режиссура ва актёрлик

санъати истиқболи", Тошкент шаҳрида "XXI аср — Ўзбекистон кўриқчоқ театри истиқболлари" мавзуларида республика семинар-кенгашлари ташкил қилинди. Уларда театрларимизнинг кенгаши ва бугунги киёфаси таҳлил қилинди. Чинакам бадий мукамал асарлар яратишимиз, театрларимиз обрў-эътиборини бугунги замонавий талаблар даражасига кўтаришимиз учун нималар қилишимиз кераклиги белгилаб олинди. Бунинг учун маълум лойиҳалар асосида спектакллар саҳналаштириш, энг асосийси, замонамиз қахрамони киёфасини яратишга келишиб олинди.

миздаги ҳамма театрлар иштирокида ўтказишни режалаштирганмиз. Бора-бора уни анъанавий тарзда ўтказишга киришамиз.

— Демак, спектакллар пойтахт театрларида намойиш қилинганча, ғойиблар тақдирланади ва...

— Киноянгизни тушундим. Бу спектакллар кўриқ-фестивалда намойиш этилганча, уларнинг фоолияти тўхтаб қолмайди. Анжумандан сўнг иштирокчи жамоалар лойиҳамизга биоан, турли вилоятларга ижодий сафарларга жўнатилди. Мазкур спектакллардан юртимиздаги жамийи санъат мухлисларини баҳраманд этишга ҳаракат қиламиз. Бугундан бошлаб то 1 апрелгача эса, театр ишосмандларини Миллий академик драма, Аброр Ҳидоятлов номидаги, Ёшлар ва Муқимий номидаги театрларнинг саҳналарида намойиш этилаётган спектакллари томоша қилишга таклиф қилиб қолам.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Саид АНВАР суҳбатлашди.

Мардлар кўриқлайди Ватанини!

Хар йили баҳорги ёки кузги қақирув пайтида йигитларнинг муҳофаа ишлари бўлимларига тўп-тўп бўлиб келишларига одатланиб қолганмиз. Уларнинг мағрурлиги, барвастилиги, алпомшоҳона қадам босишлари кўнгилларимизни кувончга тўлдирди. Сарҳадларимизнинг осойишталиги, мамлакатимиз тинчлиги ана шундай нургул йигитларга боғлиқлигидан дилларимиз яйрайди. Бир фарзандимиз, иккинчиси жин, бошқиси набира... Хуллас, бегонаси йўқ. Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси Ватан ўғлонлари.

Соғлом, бақувват, ақлли

йигитларгина ҳақиқий ҳимоячи бўла олади

Айнан ана шундай мард ўғлонлар орзиқиб кутаётган баҳорги қақирув мавсуми ҳам келди. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонунига асосан, йигитларнинг сараланган қисми апрель-май ойларида мuddатли ҳарбий хизматга олинди. Унга тайёргарлик ишлари эса жойларда анча барвақт бошланиб кетган.

Саралаш тадбирлари туманларимизда январь ойидаёқ ниҳоятга етказилган. Бу жараёнда қақирувчининг фақат соғлиги ва жисмоний тайёргарлиги билан чекланиб қолмай, унинг маълумоти, ижтимоий ахлоқи, ақлий қамолоти, руҳий жиҳатдан қай аҳволдалиги ҳам кузатилади.

Туманларда тузилган комиссиялар қақирувчиларни ана шу жиҳатдан ўрганишиб, уларнинг талабга жавоб бериши қисмини вилоятга жўнатди. Вилоят ҳарбий махсус тиббий эксперт комиссияси февралнинг дастлабки кунларида йўл олаётган даврга нисбатан таҳрирларни тиббий кўриқдан ўтказишга бошлади. Мақсад энг соғлом, бақувват ва ақлли

факультетига сирдан ўқишга кирдим. Республика миёсидида спортнинг самбо тури буйича ўтказилган бир неча мусобақалар иштирокчиман, — деди ўзини Ойбек деб таништирган йигит. — Харбийлар ҳаётига ниҳоятда қизиқаман. Спортчи бўлганим эса хизмат жараёнида қўл келадиган, деб ўйлайман.

— Менинг эса бокс соҳасида анча-мунча тажрибам бор, — деди унинг шериги. — Хизматга лойиқ кўришганидан бошим осмонга етди. Бу қувончига оиламиздагилар албатта шерик бўлишди. Чунки Ватан — битта. У — ҳаммамизники. Мен эса энди дўстларим билан ана шу азиз Ватаннинг ҳимоячиларидан бирига айланаётганимдан беҳад бахтиёрман. — Йигитларимиздан кўнгли тўқ, — деди подполковник Эркин Абдураҳмонов, — улар ҳеч қачон ота-оналари юзларини ерга қаратиб қўйишмайди. Сабаби — бир-бирларидан қаққон, ақли, катъияти. Севиқли Ватаннинг ҳақиқий ўғлонлари улар.

Абдураҳул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чингиз Айтматов — ўзбек файласуфлари нигоҳида

Дунё халқлари билан бир қаторда ўзбек халқининг ҳам сеvimли ёзувчисига айланган Чингиз Айтматов таваллудининг 75 йиллигига Ўзбекистондаги Қирғизистон Республикаси элчихонаси томонидан ажойиб тўхта тайёрланди: «Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодининг фалсафаси» номли китоб нашрдан чиқди. Муаллифлар — таниқли ўзбек файласуфлари. Китобда улкан адиб ижодида бағишланган фалсафий, илмий, адабий, оммавий-сиёсий мақолалар жамланган. Улар ўзбек, қирғиз ва рус тилларида берилган бўлиб, кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган. Шунингдек, китобдан Чингиз Айтматовнинг фалсафий этюдлари ҳамда «Болалигим» асаридан парча ҳам ўрин олган.

О. СҮЮНДИҚОВА.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
НАВОЙИ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
ишшоотга таълим қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан
Таълим қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан
1. Навоий вилояти, Нурота туманининг Фазлгон қишлоғида 5-тип болалар спорт мажмуаси қурилиши.
2. Навоий вилоятининг Қармана тумани марказида 3-тип болалар спорт мажмуаси қурилиши.
Буюртмачи — Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳоқимлигининг капитал қурилиш инжиниринг компанияси.
Қурилиш ишлари болалар спортни ривожлантириш фонди ҳисобидан олиб борилади.
3. Навоий вилоятининг Қонимех туманидаги 110 кВ-ли «Ўзбекистон-Боймурод» ҳаво электр узатиш тармоғининг сув босиши мумкин бўлган қисмини Ҳайдарқўл худудидан четга чиқариш ишлари.
Объектнинг бошланғич нархи — 195,628 млн. сўм.
Қурилишнинг тўғалаш мuddати — 2 ой.
Буюртмачи — Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уйда жойлашган «Ўзбекэнерго» ДАК «Электротармоқ» шўба корхонаси Навоий магистрал электр тармоқлари.
Қурилиш ишлари Навоий магистрал электр тармоқлари ҳисобидан олиб борилади.
Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги бўли айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лавкат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўшаи объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмига тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланган ҳажми (фоизларда).
Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиладиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига ага бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С.Айни кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мувожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 225-53-85.
Бир тўплам (комплект) ҳужжатларнинг қиймати қурилиш учун — 50000 сўм.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:
1. Самарқанд шаҳрининг оқова суварини тозалаш ишшооти худудидида муҳандислик тармоқлари, хлорлаш биноси ва иловий майдонларини ҳамда аэротенкни қайта таъмирлаш (1-навбати).
Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 6 ой. Бошланғич баҳоси — 49 178 410 сўм.
2. Самарқанд шаҳрининг «Саттепо» мазееси ва Б.Ялантўзи кўчаси худудидида оқова сув ўтказиш тармоқлари қурилиши.
Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 4 ой. Бошланғич баҳоси — 81 776 100 сўм.
Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳоқимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
Ишлаш Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 1-уй. Тел./факс: 235-92-86.
Қурилиш ишлари республика бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўшаи ишшоотларда ишлаганлик тажриба ва қуликмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лавкатга ага бўлишлари лозим.
Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига ага бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мувожаат қилиш мумкин:
Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-аъ қорпус, 208-хона. Тел./факс: 91-18-51, 93-42-00.
Ҳужжатларнинг бир тўпلامي (комплект) қиймати — 40000 сўм.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 18.00да, Самарқанд вилояти ҳоқимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
вилоятда 2004 йилда янги қурилиш режалаштирилган қуйидаги ишшоотга танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:
1. Сарюсий туманининг Охунбобоев номли ширкат ҳўжалигидаги болалар спорт мажмуасини «калитгача» қайта таъмирлаш. Бошланғич нархи — 150,0 млн. сўм.
Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 180 кун.
Барча ишшоотларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи — Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизматини инжиниринг компанияси».
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: 2-49-71, 2-49-80, 2-49-77, факс: 2-49-75.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лавкат ва ваколатларга ага, тажриба ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига ага бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Сурхондарё вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил буйича мувожаат этиш мумкин.
Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй.
Тел./факс: (8-37622) 2-75-01 ф., 2-75-04.
Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.
Оферталарни очилиш кuni ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.
Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 14-уй.

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИХАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
БАССЕЙНЛАР;
АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибутёри ва етказиб беришчиси.
Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа бог жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмлари, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

ESENYA
ООО АТТРАКЦИОН CATALOGUE
Вау- und Handellvestition GmbH
Trararent - Deutschland
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
КОЛОКОЛЬЧИК
Барчани биз билан ҳамкорлик қилишга чорлаймиз!
Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор к., Зирот кўчаси, 1-уй.
Телефон: 58-48-97, факс: 120-58-24, e-mail: tgist@bcc.com.uz

Ўзбекистонда ягона маккажўзори крахмал ишлаб чиқарувчи
«Фулонг Индустириал» ҚҚ
ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ КРАХМАЛИ СОТАДИ.
Нархлар — келишилган ҳолда.
Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.
Дилерларни ҳамкорлик қилишга таклиф этишимиз.
Маккажўзори сотиб оламиз.
Манзилимиз: Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор к., Зирот кўчаси, 1-уй.
Телефон: 58-48-97, факс: 120-58-24, e-mail: tgist@bcc.com.uz

Маданият ишлари вазирлиги жамоаси вази Баҳром Тухтаевич Қурбонова онаси
Гулуҳра ая УМАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.
Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти дeвонининг масъул ходими Ғайрат Исаева падари бузурқвори **БҲРИ отанин** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.
Тошкент давлат иқтисодий университетти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси университет Агроиқтисодий кафедраси профессори **Қосимжон ХАМДАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиран.
«Ижод дунёси» нашриёт уйи, «Гунча», «Гулхан» журналлари жамоаси нашриёт уйи ходими Манзура Ҳўжаевага падари бузурқвори **Турсунбой НУРИДИНОВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўзбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан руҳхатга ээинган.
Буюртма Г — 47, 33413 нускада босилади, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилади.
Қотоз бичими А-2.
Газета IBM компьютерларида тервиди ва оператор **Жамшид ТУРАЕВ** томонидан саҳифаланган.
Тахрирларга ҳажми 5 кетовдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[П]-Тизорат материалли

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Р. Еркабабов.
Муасхххх — Ш. Маширбаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Тоширилади — 22.00 2 3 4 5 6